Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1996 йил 23 январь, сешанба. №10. (21.931). Сотувда эркин нархда.

МДҲ: ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ КЕНГАЙМОҚДА

Хабар қилинганидек, 19 январь куни Москвада Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳам иштирок этди.

Ҳамдўстлик давлатлари раҳбарларининг 19-учрашуви ҳақида сўзлашдан аввал МДҲ тарихига нигоҳ ташлаш фойдадан холи бўлмайди. Бу тарих 1991 йилнинг 8 декабрида Беларусь, Россия ва Украина давлатлари раҳбарларининг Беловежское Пушчеда тузган битимидан бошланади. Орадан кўп ўтмай, яъни ўша йилнинг 21 декабрида Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Озарбойжон, Россия, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва Украина, Алмати шаҳрида ушбу битим юзасидан протоколни имзолаб, «тенг ҳуқуқли ва аҳдлашаётган олий томонлар» мақомида МДҲ муассиси бўлдилар. Кейинроқ, 1993 йил 9 декабрда бу мамлакатлар сафига Грузия қўшилди.

Юқорида қайд этилган таъсис ҳужжатлари айни пайтда 12 мамлакат томонидан ратификация қилинган. Умуман олганда, МДҲнинг ҳуқуқий расмийлаштирилиши 1993 йил январида унинг низоми тузилиши билан якунланди. Бироқ, бу низом ҳали Туркманистон ва Украина томонидан ратификация қилингани йўқ. Шундай қилиб, айни пайтда ўн давлат МДҲ аъзоси, Туркманистон ва Украина МДҲ иштирокчилари бўлиб ҳисобланади.

МДҲ доирасида шу даврга қадар 666 масала муҳокама этилди. Уларнинг қарийб ярми иқтисодий ва ижтимоий масалаларга бағишланган. Уларнинг учдан бир қисми эса ҳарбий-сиёсий, яна қарийб шунчаси ташкилий ва умумий масалалардир.

1993 йил 24 сентябрда иқтисодий иттифоқнинг тузиш ҳақидаги шартноманинг имзоланиши ҳамдўстлик фаолиятининг муҳим натижаларидан бири бўлди. Айни пайтда ана шу шартноманинг амалга оширилиши кун тартибидаги муаммолардан бири бўлиб турибди. Божхона иттифоқи ва тўлов иттифоқини тузиш иқтисодий иттифоқни мустаҳкамлашдаги муҳим амалий қадамлар ҳисобланади. Шу боис МДҲ давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси кун тартибидаги асосий масалалардан бири божхона ва тўлов иттифоқини шакллантириш истиқболи билан боғлиқ бўлди.

Шуни қайд этиш лозимки, айни пайтда бу иттифоқни яратишнинг илк босқичи якунланди. Россия, Беларусь ва Қозоғистон божхона иттифоқини тузиш юзасидан имзоланган битимга биноан ўз давлатлари божхона қонунчилигини мувофиқлаштирдилар. Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ҳам бу иттифоқни шакллантиришда иштирок этиш юзасидан қатъият билдирмоқда. Бироқ, шу ўринда Ўзбекистон бу масалага ўзига хос ёндашаётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мамлакатимиз божхона иттифоқига аъзо бўлиш бу мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларига салбий таъсир этмаслиги, чегаралар ҳар бир мустақил давлатнинг ўз армияси томонидан қўриқланиши, бу давлатлар ташқи иқтисодий фаолиятни ўзи мустақил амалга ошириши шартлигини таъкидлади. «Ўшандагина мамлакат мустақиллиги дахлсизлиги тўла таъминланади. Божхона иттифоқи эса ҳаракатларни мувофиқлаштириш, сунъий тўсиқларни олиб ташлаш асосида ривожланиши керак», деди жумладан юртбошимиз.

Ҳамдўстликка аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши мажлисида бу гал ўндан зиёд масала муҳокама қилинганини таъкидлаш жоиз. Давлат раҳбарлари муҳокама қилган масалалар орасида ушбу кенгашнинг раисини сайлаш ҳам бор эди. Бу масала ҳамдўстликнинг қанчалик самарали ишлаши билан боғлиқ бўлгани учун ҳам алоҳида эътиборга моликдир. Давлат раҳбарлари бу масалада якдил фикр билдирдилар. Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин яна бир йил муддатга МДҲ давлат раҳбарлари кенгаши раиси этиб сайланди.

Кенгашда муҳокама этилган масалаларнинг бир қанчаси Мустақил Давлатлар ҳудудида ихтилофларнинг олдини олиш ва бартараф этиш билан боғлиқдир. Давлатлар раҳбарлари бу мавзудаги концепцияни қувватладилар. Бу соҳадаги масалалар орасида МДҲ коллектив тинчликни таъминлаш кучларининг Тожикистонда бўлиши ваколатларини узайтириш ҳам бор эди. Ўзбекистон раҳбари бу масалага ёндашувда Тожикистонда тезроқ тинчлик ва барқарорликка эришиш асос қилиб олиниши шартлигини таъкидлади. Хусусан, Ислом Каримов МДҲ давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидан бир кун аввал Кремлда Борис Ельцин билан учрашув чоғида ҳам Россия Президенти эътиборини шу масалага қаратди. Тожикистон ҳукумати мухолиф томон билан БМТ, ЕХҲТ каби халқаро ташкилотлар иштирокида Тожикистондаги аҳвол ва унинг истиқболи масаласини муҳокама қилиб, бир қарорга келиши, шунингдек, мамлакат барча вилоятлари, сиёсий кучлари вакиллари иштирок этадиган Тожикистон халқлари конгрессини чақириш мақсадга мувофиқ. Унда мамлакат келажаги муҳокама қилиниб, анжуман хулосалари тинчликни қарор топтириш йўлида татбиқ этилиши лозим. Ана шу тақдирдагина МДҲ тинчликни таъминлаш кучлари ваколатларини яна узайтириш тўғри бўлади. Бу — ягона миллат фарзанди бўлган икки мухолиф томон вакилларининг адоватларни унутиб, ўсиб келаётган, туғилажак авлод олдидаги бурчларини ҳис этган ҳолда бир-бирига ён бериши лозимлигини англатади. Ислом Каримов, мансаб ва ҳукумат талашиш аслида бир гўдак кўз ёшига арзимаслигини, ҳеч қандай сабаб инсонни ҳаётдан жудо этишни оқламаслигини яна бир карра қайд этди. Кенгаш Ўзбекистон раҳбари фикрини қувватлади. Тожикистондаги МДҲ тинчликни таъминлаш кучлари ваколати олти ойга узайтирилди. Мажлисда генерал-лейтенант В. Заварзин Тожикистондаги МДҲ тинчликни таъминлаш коллектив кучларининг янги қўмондони этиб тайинланди.

Кенгашда Абхазиядаги ихтилофни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди. Бу масалани ҳал этишда ҳам юртбошимиз билдирган фикрлар асос бўлиб хизмат қилди. Ислом Каримовнинг масалага ёндашувда аввало Грузиянинг ҳудудий бутунлигини, Абхазиянинг бу мамлакат таркибига киришини эътироф этиш зарурлиги, барча кўмаклар Грузия ҳукумати орқали амалга оширилиши кераклиги борасидаги таклифлари шулар жумласидандир.

МДҲ давлат раҳбарларининг 19-учрашувида ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар маданият арбобларининг конгрессини ўтказиш масаласи ҳам муҳокама этилди. Шуниси қувончлики, бу масалада барча давлатлар раҳбарлари якдиллик билдирдилар. Бу янги Мустақил Давлатлар тарихан шаклланган маданий алоқаларимизни янада ривожлантириш тарафдори эканини кўрсатади.

МДҲ давлат раҳбарлари кенгашида шунингдек, Мустақил давлатларнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини кенгайтириш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли ҳужжатлар қабул қилинди.

— Биз муҳокама қилинган масалаларга мамлакатимиз манфаати нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ёндашдик, — деди Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов журналистлар билан суҳбатда. — Мен ушбу учрашув натижаларидан мамнунман. Чунки, биз имзолаган ҳужжатлар тарихан шаклланган иқтисодий ва маданий алоқаларимизнинг мустаҳкамланишига, халқимиз учун муносиб турмуш шароитлари яратишга хизмат қилади.

Амиркул КАРИМ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент-Москва-Тошкент.

СУРАТДА: учрашув пайти. **Собир ЗУФАРОВ ва Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.**

Қарор ижроси билан

ФУТБОЛИМИЗГА ҲАВАС БИЛАН ҚАРАЙДИГАН БЎЛИШАДИ

Юртимизда соҳибқирон йили бошланган, истиқлолнинг бешинчи баҳори арафасида мамлакат спорт ҳаётида унутилмас воқеа юз берди. Республика Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Мамлакатда халқ севган ўйинни янада оммавийлаштириш, футболимиз довруғини жаҳонга ёйиш масалаларига қаратилган ушбу муҳим қарорни шарҳлаб беришни сўраб мухбиримиз республика Давлат спорт қўмитаси раиси Баҳодир МАҲСИТОВга мурожаат қилди.

— Мамлакатимиз барқарор ривожланиш йўлидан собит қадам ташламоқда, — дейди спорт қўмитаси раиси. — Халқимиз демократик ҳуқуқий буюк давлат қуриш йўлида саъй-ҳаракат қилмоқда. Жаҳон тажрибасига қараганда ҳар бир мамлакат ўзининг моддий бойлиги билангина эмас, балки сўз усталари, мутафаккиру олимлари, санъаткорлари ҳамда етук полвонлари-ю футболчилари билан ўз юртларининг довруғини дунёга ёйиб келмоқдалар. Юртимизда футболга бағишланган иккинчи мукаммал ва мухтасар қарорнинг қабул қилиниши ҳам шундан. Чунки, йил сайин ривожланиб жаҳон ҳамжамиятида обрўси ошиб бораётган юртимизнинг футболдаги нуфузи бугунги кун талабларидан ортда қолаётгани кўзга ташланиб қолган эди.

Сирасини айтганда, уч йил аввал мамлакатда футболни янада ривожлантириш тадбирлари ҳақидаги қарорнинг кўпгина муҳим бандлари бажарилмади. Футболчиларимизнинг Осиё ўйинларида эришган ғалабасига маҳлиё бўлиш, хотиржамликка берилиш кайфияти юзага келди. Футболнинг соғлом авлодни тарбиялаш, халқнинг руҳи ва кайфиятини яхшилашда алоҳида хизмати борлигини унутаёздик. Натижада футболимиз халқаро миқёслар даражасидан орқада қолди.

Бугунга келиб бу соҳани ривожлантиришга давлат аҳамиятига молик вазифалардан деб қаралмоқда. Янги ҳужжатга кўра футболимиз мулкчилик асосида ривожланади. Бунинг учун футбол клубларини ташкил этиш, уларнинг намунавий низоми ва уставини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Клублар тўла хўжалик ҳисобида, яъни ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш, ўз харажатларини қоплаш асосида фаолият кўрсатадиган бўлади. Олий ва биринчи лига футбол клубларига ўйинчи, мураббий ва ходимлар қабул қилиш шартнома асосида йўлга қўйилади.

Барча ўйингоҳларни қайта рўйхатдан ўтказиш, таъмирлаш ҳар бир футбол жамоаси қошида футбол мактабларини жорий этиш, қолаверса, йилнинг энг яхши футболчиси ва энг яхши тренери номига сазовор бўлганларга Президентимиз махсус совринининг берилиши, қисқаси, қарорнинг ҳамма банди футболга дахлдор.

Қарорда футболни ривожлантириш ва оммавийлаштириш учун нимаики зарур бўлса, ҳаммаси инобатга олинган. Футбол ўйнаш, маҳоратни ошириш учун истак бўлса кифоя. Қолган шарт-шароитлар қарорда кўзда тутилганидек рўёбга чиқади. Энди футбол жамоалари лаёқатли мутахассис ёки мураббий излаб юрмайдилар. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти бу борадаги юмушларни ўз зиммасига олади. Муҳими шундаки, мазкур қарорнинг ҳаётга татбиқ этилиши мунтазам кузатиб борилади. Бир сўз билан айтганда, бу қарор эл соғлиғи, ёшлар камоли ва Ватан довруғи ҳақидаги ғамхўрликдир.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Иқтисодиёт олами • *Иқтисодиёт олами* • *Иқтисодиёт олами*

«КИМ ОШДИ»ДА МУЛКДОРЛАР КЎПАЙДИ

Қумқўрғон ҳокимлигининг кўпдан бери қатта йиғин ўтказилмаганидан ҳувуллаб қолган 400 кишилик мажлислар зали яқинда одамга тўлиб кетди: бу ерда «Беш қаҳрамон» жамоа хўжалигининг аъзоси Ч. Ҳусанов кўпдан буён томорқа ололмаётганидан, аризасини жамоа бошқарувию бошқа идоралар тингламай келаётганидан ҳайрон эди. «Ким ошди» бозори деҳқоннинг бу ҳайроналигига барҳам берди. У 6 сотих томорқани 13 минг сўмга сотиб олди-қўйди.

Бу савдо ҳозирги кунда мулкка кўпчилик қизиқаётганини кўрсатди. Масалан, Х. Раҳимов, А. Қурбоновларнинг ҳар қайсиси тўрттадан томорқа сотиб олдилар.

Ҳаммадан ҳам Бўри Беккамов «беш» кетди: «Завқ» деб номланган икки қаватли меҳмонхонани 510 минг сўмга сотиб олди!

«Ким ошди» савдосида давлат тасарруфидаги 720400 сўмлик мулк сотилди.

Одимжон УСАНОВ.

МАСЛАҲАТГА АМАЛ ҚИЛИБ, КАМ БЎЛИШМАЯПТИ

Галлаорол туманидаги «Истиқбол» ижара ширкат хўжалиги жамоаси Ўзбекистон «Галла» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси олимларига 5 гектар ер ажратди. Бу майдонда олимлар, мутахассислар деҳқонлар билан ҳамкорликда тажриба ишларини олиб боришяпти. Яратилган янги навларни синашяпти. Хўжалик ғаллакорлари кейинги йилларда олимлар маслаҳатига амал қилиб, кам бўлмаяптилар.

— Бултур «Ёнбош» «Интенсив» навли уруғларни эккан деҳқонлар 40-45 центнердан ҳосил олишди, — дейди хўжалик раҳбари Абдуллажон Синдоров. — Биз энди илмий асосларга таянмасдан ғалла ҳосилдорлигини кўтариш мумкин эмаслигини билиб олдик. Бу йил хўжалигимизда ғалла етиштиришни бир ярим бараварга ошириш мўлжалланган. Бу ишда олимлар кўмагига таянамиз. Майдонларни кенгайтирмаган ҳолда ҳосилдорликни оширишга катта эътибор беришимиз керак.

Пардабой ТОЖИБОЕВ.

«НОРТЕКС» ВА «ПОЛЯРИС» ЁРДАМГА КЕЛДИ

Маълумки, Бухоро вилоятида тоза ичимлик сувга бўлган эҳтиёж катта. Гарчи аҳолининг маълум қисми Дамхўжа сувидан баҳраманд бўлсада, шифобахш сувга талаб кун сайин ошиб бормоқда. Бу муаммони ҳал қилиш борасида вилоятдаги «Обиҳаёт» фирмаси мутахассислари дадил ҳаракатлар қилишяпти.

Фирма келгусида тоза ичимлик сувни шишаларга қуйиб, аҳолига етказиш мақсадида Таиланддаги «Нортекс» ва «Полярис» фирмалари билан шартномалар тузди. Улар бухоролик тадбиркорларга қуйиш линиясини етказиб беришмоқчи. Тез орада ана шу линиялар ишга тушса, аҳоли тоза ичимлик сувдан узлуксиз баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўлади.

Даврон БАҲРОНОВ.

МАҲСУЛОТ БОЗОР БАҲОСИДА

Олтинсой тумани «Ширин» жамоа хўжалигининг соҳибкорлари ўтган йили қарамоқларидаги 496 гектар узумзордан 3525 тонна ўрнига 3685 тонна ширин-шакар ҳосил етиштирдилар.

— 320 олий навли майиз қуритдик. Юқори ҳосил кўтаришда ижарачиларимиздан Б. Нормуродов, С. Иброҳимовлар режани 130 фоиз адо этишиб, бошқаларга ўрнак бўлишди, — деди хўжалик бошқаруви раиси У. Амиров.

Яна бир гап: хўжалик жамоаси Намангандаги «Ширин» мева қуритиш ва қайта ишлаш корхонасига 150 тонна майизни бозор баҳосида сотди. Олинган фойда жамоанинг иқтисодий аҳволини яхшилашга сарфланади. Қолган 170 тонна майизга газ қувурлари айирбошлаш режалаштирилган. Жорий йилда соҳибкорлар эл дастурхонига 4000 тонна сифатли маҳсулот етиштиришга аҳд қилишган.

Низом НОРҚОБИЛ.

• Акс - садо

ГАЗЕТА ТАНҚИДИ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ МУҲОКАМАСИДА

Гулистон. (Мухбиримиз Абдужалил Умаров хабар қилади). 20 январь куни Сирдарё вилояти ҳокимлиги маслаҳат кенгашининг кенгайтирилган мажлисида шаҳар ва туман ҳокимлари, вилоят ташкилотларининг раҳбарлари, вилоят ҳокимлигининг масъул ходимлари иштирок этдилар. Мажлисни вилоят ҳокими Ғуломқодир Ҳасанов бошқарди. Маслаҳат кенгаши мажлисида «Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 11 январь сонида босилган «Виждон олдида ҳисоб берайлик» сарлавҳали мақола муҳокама этилди. Вилоят ҳокими ўринбосари Собиржон Усмонов мақола юзасидан ўтказилган текшириш якунлари ҳақида ахборот берди.

Мажлисда Сайхунобод тумани ҳокими Ғанижон Эргашев, Мирзаобод тумани ҳокими Баҳодир Ўролов, Шароф Рашидов тумани ҳокими Иброҳимжон Ибодуллаев ўртоқлар сўзга чиқиб, мақола ўз туманларининг ҳокимликларида атрофлича кўриб чиқилиб, унда билдирилган танқидий фикр-мулоҳазалар юзасидан кўрилган тадбирий чоралар ҳақида ахборот бердилар.

Мақола муҳокамаси юзасидан вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Саидаҳмад Аҳматқулов сўзга чиқиб, газета муҳим мавзуини кўтаргани, жойлардаги ҳокимликлар, бошқа тегишли идораларнинг раҳбарлари билдирилган танқидий мулоҳазалардан зарур хулосалар чиқариб олишлари, ишга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Вилоят ҳокими Ғ. Ҳасанов пировардида «Ўзбекистон овози» газетасидаги мазкур мақолада жиддий масалалар кўтарилганини таъкидлар экан, энг муҳими, ана шу камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш лозимлигини уқтирди. Шу муносабат билан кадрларга бўлган талабчанликни жиддий равишда ошириш лозимлиги таъкидланди.

Вилоят ҳокимлигининг маслаҳат кенгаши «Ўзбекистон овози» газетасида босилган «Виждон олдида ҳисоб берайлик» мақоласида билдирилган фикрларни ўринли деб топди ҳамда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Кўнгилоч

ФОЙДАСИ КЎП, ЗАРАРИ-ЧИ?

Навоий вилоятидаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, машинасозлик, цемент заводлари, «Электрокимё» ҳиссадорлик жамоаларининг республикамизда тутган ўрни, келтираётган фойдасини яхши биламиз. Бироқ мавжуд корхоналарнинг зарари, атроф-муҳитга чиқараётган чиқиндилари ҳам бундан кам эмас-да. Айниқса, худди шу корхоналарга яқин бўлган туман ва хўжаликларда аҳвол мураккаб. Масалан, Навоий ва Навбаҳор туманларининг кўпчилик аҳолиси зарарланган ичимлик суви ва ҳаводан азият чекишмоқда. Чунки бу туманлар аҳолисининг асосий қисми Зарафшон дарёсидан сув ичади. Энг ачинарли томони, бу Навоий ГРЭСининг шундоққина дарё ўзанида қурилганидир. Бунинг устига ГРЭСнинг буг қозонлари генераторлари ҳам, турбиналари ҳам сув билан ювилиб, ифлос суви тўппа-тўғри яна дарёга оқизиб юборилади. Оқибатда Навбаҳор, Қизилтепа, Навоий туманларининг қатор қишлоқларида баъзи бир юқумли касалликлар пайдо бўлмоқда. Бунинг асосий сабаби мазкур қишлоқлар аҳолисининг қўлбола кранлар ва дарё сувидан истеъмол қилаётганидир. Тоза, таркиби жиҳатидан ичишга яроқли бўлган сув эса анқонинг уруғи.

...Вазият барибир танглигича қолмоқда. Дарвоқе, Навоий вилоятидаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тоғ-тоғ уюлган чиқит ва ахлатлари, «Электрокимё»нинг зарарли сувларини оқизиб юборадиган сунъий ҳовузи нафақат табиатга, балки табобат оламига ҳам катта зиён етказмоқда. Маликчўлдаги заҳарланган ҳавза туфайли қўйчиликка ихтисослашган «Маликчўл» ва «Кармана» жамоа хўжаликларининг аксарият яйловларида ўт-ўланлар бутунлай қовжираб қолди. Бу сингари мисолларни кўплаб келтириш мумкин!

Ҳақиқатдан кўз юмиш қийин! Олий Мажлис сессиясида юртбошимиз таъкидлаганидек, соғлом авлодни вояга етказиш учун аввало табиат, истеъмол қиладиган сувимиз мусаффо бўлмоғи керак!

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XV пленуми олдидан

«МАҚТАСАНГИЗ ХАФА БЎЛАМАН»

СУҲБАТДОШИМИЗ ҲАҚИДА: Раъно Маматқулова 1991 йилдан буён Ўзбекистон ХДП Бектемир туман кенгашининг биринчи котиби. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг филология факультетини битирган. Мактаб ва ишлаб чиқариш соҳаларида ишлаган. Ўзи ҳақида гапиришни ёқтирмайди. Мақтов билан келишаолмайди. Дилдан суҳбатлашгандан сўнг, икки фарзанд—бир ўғил, бир қизнинг меҳрибон онаси, тушинган, зиёли раҳбарнинг турмуш ўртоғи эканлигини билдим.

— Раъно Темуровна, Сиз партиямиз эндигина ташкилий жиҳатдан шаклланаётган даврда туман партия кенгаши биринчи котиби бўлиб сайлангансиз. Чўчиш ёки ишни олиб кетишга ишончсизлик бўлганми, ўшанда сизда?

— Аввало ҳеч ўйламаган эдим, биринчи котиб бўламан деб. Ўша пайтдаги туман партия кенгаши биринчи котиби Мавлон Йўлдошев ва туман ҳокими катта ишонч билдиришди. Дастлаб М.Йўлдошев, Ҳ.Абдураимов, В.Медведовлар маслаҳати, яқин кўмаги асосида ишладим. Уларнинг ёрдамини ҳеч ҳам унута олмайман. Аъзоларимиз сони 1100 дан 2375 га етди. Муҳими, уларнинг 45 фоизи ёшлар.

Раъно опа билан суҳбатимиз давомида у кишининг ишхонасидаги қизил альбомларга кўзим тушди. Улардан бирида туман партия кенгаши фаолиятига дил изҳорларини билдирган, фаоллар кўмагидан миннатдор фуқароларнинг дастхатлари, бошқасида турли тадбирлардан лавҳалар акс этган.

Бу альбомлардаги лавҳаларнинг ўзи туман партия кенгаши фаолиятини баҳолаётгандек эди. Шундай бўлса-да опахонни саволга тутаман.

— Йил бошида партиямиз фаоллари ва умуман аъзоларнинг қандай ишлашини истардингиз?

— Албатта, ёниб ишлаш керак. Бугунги давр, ҳар бир кунинг янгича туғилиши ҳам қолипдан чиқиб ишлашни талаб қилади. Қувончлиси, Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши пойтахтдаги ҳар бир туман партия кенгашига ўз муҳитидан келиб чиқиб, мустақил ишлашни олдимизга қўйган. Бу тўғри. Айни пайтда мазкур туман кенгаши фаоллари ва бошланғич партия ташкилотлари котиблари билан, айтайлик Мирзо Улуғбек тумани фаолларига қўйиладиган талаб бир хил бўлмайди, деб ўйлайман. Сабаби, Мирзо Улуғбек туманида аҳолининг кўпчилигини зиёлилар ташкил этади. Бизда эса асосан корхона ва ташкилотларнинг ишчилари. Ҳудудимизда бирорта ҳам ўқув маскани йўқ. Шу жиҳатдан бизда ишчилар талаб ва эҳтиёжларига ёндашишнинг бошқача йўли мавжуд бўлиши муқаррар. Мақсадимиз кишиларни намуна кўрсатиб ишлашга чорлаш. Шукрлар бўлсинки, ҳали туман партия кенгаши фаолиятидан нолиган кишига дуч келганим йўқ. Аҳил жамоамизнинг бунга йўл қўймаслигига ҳам ишонаман.

Туманимизда ўқитувчилар, шифокорлар етишмайди. Соғлом авлодни, истеъдодли ёшларни етказишда бу муаммони ҳал этиш биринчи галдаги вазифадир. Қараб турганимиз йўқ. Амалий ишлар бўляпти. Албатта ҳаммасини ўзимиз қиляпмиз, демайман. Туман ҳокимлиги, барча жамоат ташкилотлари билан алоқамиз занжирни эслатади. Бу борада ҳамкорлигимиз яхши. Аксарият ташкилот, корхона раҳбари партиямиз аъзоси. Мавжуд 13 та маҳаллада ҳудудий партия ташкилоти бор. Улардаги аъзоларимиз маҳалладошлари иссиқ-совуғидан хабардор. Халқ тилини, дилини билиб, унга йўл топиб ишлаётганимиз қўл келяпти.

Туманимиздан сайланган Республика Олий Мажлиси депутати Ботир Қосимовдан туман аҳли миннатдор. Ечимини кутаётган ҳар бир муаммо аввал пухта ўрганилади, сўнг депутатларимизга, ХДП Фракцияси аъзоларига етказилади. Мактаб, боғча ва маҳаллаларда режа асосида депутатлар билан учрашув ташкил этиляпти. Бу йил бобокалонимиз Амир Темур йили муносабати билан бир қатор тадбир белгилаганмиз.

— Ёшлар Иттифоқи туман қўмитаси билан алоқалар...

— ... Жуда яхши. Юқорида айтганимдек, ҳар бир жамоат ташкилоти — хотин-қизлар, фахрийлар, маҳалла, ҳатто тумандаги корейс, рус, украин, татар, бошқирд ва қозоқ миллий жамоатчилик марказлари билан мустаҳкам алоқа боғлаганмиз. Ҳеч бир миллатнинг миллий байрами эътибордан қолмайди. Ўтган йили туманимиздан ўн саккиз нафар балоғатга етмаган ўсмир жиноятга қўл ургани бизни ташвишлантиради. Туман ҳокимлиги, ёшлар ташкилоти ва суд, прокуратура, ички ишлар органлари билан бу ташвишли ҳолнинг олдини олишга ҳаракат қиляпмиз. Ҳар қандай ёшнинг онгига қонунларимизни, унинг кучини етказишимиз юқоридаги муаммонинг олдини олади.

— Туманда кўплаб тадбирлар ўтказилади. Бунга ҳомий ташкилотларсиз эришиш қийиндир?

— Ҳомийларимиз бор. Улар «Узинтранс» қорхонаси, 56-Тошкент автокорхонаси, «Оби ҳаёт» Тошкент қурилиш таъмирлаш бошқармаси (раҳбарлари Б. Қосимов, Қ.Оқбоев, Л.Пак).

— Раъно опа, ҳисобот-сайловлар, туман партия кенгаши пленуми, қолаверса, Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши X пленуми бўлиб ўтди. Улардан олган хулосаларингиз.

— Хулосалар... Бўлиб ўтган ҳар бир анжуман ҳали ишлаш, ишлаганда ҳам сидқидилдан ишлаш кераклигини кўрсатди. Нафақат партия аъзолари, мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаро ягона мақсад сари — озод ва обод Ватан яратиши, ислоҳотлар инсон учун эканлигини ҳис қилиши, унга интилиши зарур. Бунинг учун бизда соғлом муҳит бор. Пойтахтимиздаги ҳар бир туман партия кенгаши ишидан намуна олишга, ўрганишга, муайян ютуқларимизни баҳам кўришга имкониятлар етарли. Ҳамкорлигимиз ютуқлар омили бўлаверади.

Раъно Темуровна билан бўлган мулоқотимизда у кишининг: «Илтимос, мени мақтаманг, хафа бўламан, ютуқлар ҳаммамизники, қўлни-қўлга бериб ишлаётганимиздан» деган сўзларига амал қилдим, деб ўйлайман.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БАНК МУТАХАССИСЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТ

ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши туман, шаҳар кенгашлари котиблари ҳамда масъул ходимларининг банк тизими мутахассислари билан учрашув-мулоқотини ташкил этди. Учрашувда Марказий банк вилоят бошқармасининг бўлим бошлиғи Х. Асқаров «Пул муомаласи: сўмнинг қадрини ошириш учун амалга оширилаётган тадбирлар хусусида». Халқ банки Андижон вилоят бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Б. Солиев «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида»ги Фармонининг бажарилишини таъминлаш учун кўрилаётган ҳозирлик» хусусида сўзладилар. Қўпчиликни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтарилди. Партия фаоллари билан банк ходимлари учрашув-мулоқотида ЎзХДП Андижон вилоят кенгашининг биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Р. Мухторов қатнашди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Уйчи туманидаги Абдували Мўминов номли жамоа хўжалиги аъзолари қишда ҳам бекор ўтиришгани йўқ. Улар айни дамларда ариқ-зовурларни тозалаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш билан шуғулланишаётир. Айниқса, яхоб суви беришга эътибор берилаётир.

Зеро, ана шундай шижоат билан меҳнат қилиш билантина келгуси ҳосилга пухта замин яратиш мумкинлигини улар яхши биладилар. Шу боис миришкорлар ўтган йили пахтадан мўл-ҳосил кўтаришди. Ҳосилдорлик гектар бошига 45 центнери ташкил этди. Буғдойдан эса 50 центнердан хирмон уюшди. Боғдорчилик ва узумчилик соҳасида эришилган ютуқлар ҳам салмоқли. Ҳўжалик бўйича олинган йиллик соф даромад ҳар қачонгидан кўп бўлди. Кам даромадли ва ёрдамга муҳтож оилаларга 179 минг 500 сўмликдан зиёд озиқ-овқат маҳсулотлари бепул тарқатилди.

СУРАТДА: ҳўжалик далаларида яхоб суви бериш пайти ҳамда бригада бошлиғи Эргашбой Маллабоев ва тракторчи Баҳриддин Абдураҳмонов.

Турғунбек МАҲКАМЗОДА олган сурат.

Қонун ва шарҳ

ХАЛҚОНА МЕЪМОРЧИЛИК

Мамлакатимизда Олий Мажлис томонидан «Архитектура ва шаҳарсозлик тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Албатта, бу юртимизнинг ободлиги ва шаҳарларимизнинг кўркамлашувига хизмат қилиши шубҳасиз. Шу муносабат билан мухбиримиз Олий Мажлиснинг Қурилиш ва уй-жой, коммунал хўжалиги қўмитаси раиси Хурсанд Тошев билан учрашиб, шу қонунда кўзда тутилган мақсад ва вазифалар хусусида суҳбатлашди.

— Хурсанд Тошевич, ҳар қандай Қонун ҳам тарихий, ҳам замон талабига кўра қабул қилинади. Шу ўринда мазкур Қонуннинг бизнинг мустақил мамлакатимиз ҳаётида тутган ўрни ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Маълумки, қонунлар қабул қилишда доимо тарихий давр, шарт-шароитдан келиб чиқилади. Гоҳо мавжуд қонунлар эскиради. Собиқ иттифоқ даврида меъморчилик тўғрисидаги ҳужжатлар 15 та республикага бир хил эди. Оқибатда ҳамма республикаларда йиғма темир-бетон иншоотлар қад кўтараверди. Ваҳолонки, бу республикаларнинг ўзига хос қадимий меъморчилик услуби бор. Миллий меъморчилигимизга путур етказган жиҳатлар айнан шулар эмасми? Ҳар қандай мустақил давлатнинг жаҳон оммасини жалб этадиган муҳим томонларидан бири, миллий меъморчилигидир. Бу Қонуннинг қабул қилинишидан кўзланган асосий мақсад, ўзимизнинг миллий анъаналаримиз уфуриб турган ҳақиқий қиёфамизни яратишдир. Бу гоя энди бандма-банд мустаҳкамланиб бораверади. Тарихий ёдгорликлар, иншоотлар мажмуаси, мадраса, мачитлар, маданий ёдгорликлар, ҳозирда мавжуд иншоотларга путур етмаган ҳолда, аксинча уларни қайта таъмирлаб, келажак авлодларга етказиш ҳам қонун билан муҳофазаланганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

— Унда меъморчилигимизни миллийлаштириш масаласи қандай ифодаланган?

— Аҳоли зич яшашга мўлжалланган катта-катта миқрорайонлар, маъмурий бинолар, мактаб, боғча иншоотлари қурилишида миллий анъаналарга алоҳида эътибор берилиши кўзда тутилган. Албатта, аҳоли эҳтиёжи учун зарур иншоотлар, кинотеатр мактаб, боғча, маиший хизмат бинолари ва бошқа қурилишлар муҳофаза этилиши шарт. Айтайлик, институт, мактаб, боғчалар транспорт қатновидан маълум масофада узоқ бўлиши керак. Бундай биноларни авлодларимиз анъаналари акс этган лойиҳалар асосида қуриш даркор. Чунки ёш авлод онгида, ўтмишга чуқур ҳурмат руҳида тарбиялаш аввало, уларда халқнинг миллий яшаш шарт-шароити, турмуш тарзига кўникма ҳосил бўлиши керак. Бола тасаввурида аждодларимиз яратган тарихий обидалар, мадрасалар фақат муқаддас ёдгорликлар сифатида акс этмасин. Мактаб, боғча, уй-жойлар ҳам худди шу обидалар сингари мафтункор лойиҳаларда қурилса, нур устига аъло нур бўларди. Яна бир нарсани унутмаслик керакки, қурувчи, пудратчи қандай лойиҳа тақдим этилса қуриб кетаверади. Аввало, буюртмачи ҳам миллий меъморчиликни, табиий иқлим шароитни билган, юксак дид эгаси бўлса-ҳаёт оқувчи ариқчалар талаб даражасида эмас. Айниқса, иқлим шароити энг муҳим масалалигини назардан четда қолдирмаслик зарур. Қашқадарё воҳасини Фарғона водийси билан ёки Қорақалпоғистон, Хоразм ҳудудининг иқлимини тенглаштириб бўлмайди. Шунингдек, ҳар хил табиий офатлар, зилзила, ернинг иқлим шароити, ер қатламининг таркиби-ҳаммаси назарда тутилиши шарт. Қонун ана шу муаммоларни ўз ичига қамраб олган.

— Кўзда тутилган мақсадларга эришиш учун биздаги мавжуд имкониятлар ҳисобга олинганми?

— Шаҳарсозлик қурилиши 2-3 йилда ҳал этиладиган муаммолар эмас. Ўзбекистонда истеъдодли, миллий анъаналарни чуқур биладиган меъморлар етарли. Лекин мутахассислар тайёрлайдиган институт, мутасадди бўлим ва кафедралар ишини янада жонлантириш керак. Қурилиш материаллари тайёрлайдиган заводларни ҳам қайта реконструкциялаш, мукаммаллаштириш зарур. Ганчкорликка, ёғочсозликка, умуман, миллий анъаналарга мослашган, уйғунлашган маҳсулотлар тайёрлаш вақти келди. Энди барча лойиҳа ва меъморчилик ишлари Ўзбекистон давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда жойлардаги бўлимлари назаридан ўтиши қатъиян белгилаб қўйилди.

Шаҳарсозлигимизнинг келажаги порлоқ. Зеро, мустақил давлатимизнинг дунё миқёсидаги нуфузи ортишида миллий меъморчилигимиз ҳам муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Саида ЙЎЛДОШЕВА суҳбатлашди.

Мамлакатимизда

Тиббиёт

МУОЛАЖА МАРКАЗИ

НУКУС (мухбиримиздан). Беруний тумани табобат аҳли йил бошида муносиб совғага эга бўлди.

Марказий касалхона қошида муолажа маркази ва жарроҳлик бўлими фойдаланишга топширилди.

Марказ ҳозирча 30 ўринли бўлиб, Японияндан келтирилган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Ошқозон-ичак, нафас йўллари, жигар, буйрак ва аёлларга хос хасталикларнинг олдини олиш, муолажа қилиш ва ташхис қўйиш учун қулай шароит яратилган. Ультра-товуш, бронхоскоп, гастроскоп каби ускуналар қўл келмоқда. Беморлар учун бундай қулайликни яратишда «Бўстонсувқурилиш» трестига қарашли кўчма механизациялаштирилган колонна азаматлари ғайрат кўрсатишди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

Телевидение

«ИҚБОЛ» КЎРСАТАДИ

САМАРҚАНД (мухбиримиздан). Иштихонда телестудия фаолият кўрсата бошлади.

«Иқбол» деб номланган дастлабки дастурий кўрсатув ЎзХДП туман кенгаши фаолларининг партия нуфузини оширишга бағишланган давра суҳбати билан бошланди. Туман партия кенгашининг биринчи котиби С. Рўзиев, фахрийлардан Ё. Аминов. «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлими раиси Э. Ўсаров, маданият бўлими мудири М. Бобохўжаев, «Уч қаҳрамон» хўжалиги партия ташкилоти котиби О. Мусаева иштирокида мароқли суҳбат ташкил этилди. Телестудия ўз кўрсатувларини ранг-баранглигига эришиш йўлини изламоқда.

Фармон ТОШЕВ.

ДУНЁ Воқеалари

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

ҲИНД ЧОЙИГА ГАП ЙЎҚ

Бултур ҳинд чой етиштирувчилари учун бироз ноқулай келди. Натижада экспортга чиқарилаётган чой миқдори анча камайди. Шри-Ланка, Кения ва Индонезия чойлари машҳурлигига қарамасдан жаҳон бозорида ҳинд чойининг ўрнини босишга ожизлик қилиб қолди. Бу эса жаҳон бозорида сўзсиз ҳинд чойига бўлган нафақат талаб, балки унинг баҳосининг ҳам сезиларли ошишига олиб келди. Қалқаро бозорда килоси 10-11 рупий турган ҳинд чойининг нархи 72 рупийгача етди. (Ҳинд рупийсининг АҚШ долларига нисбатан қиймати 34,5 га тенг).

МДҲ мамлакатларининг деярли кўпчилик қисми ҳиндларнинг доимий мижозларига айланган. Россияликлар эса уларнинг асосий харидори ҳисобланади. Уларнинг ўтган йил апрель-июль ойларида қилган савдоси 50 миллион рупийни ташкил этди. МДҲ мамлакатларидан келган харидорлар кўпроқ Ҳиндистоннинг жанубий плантацияларида етиштирилган чойларга харидор бўлишяпти.

Ҳиндистон Чой ассоциацияси маҳсулот етиштириш ҳажмини 2000 йилга бориб 1 миллиард килограммга етказишни режалаштиряпти. Лекин тармоқ ишчи ходимлари буни қийин ва эришиш гумон бўлган вазифа, деб таъкидламоқда. Уларнинг ҳисоблари бўйича 2000 йилгача етиштирилаётган чой миқдори катта ҳисоб билан 864 млн. кг. га етиши мумкин. Ана шунда ҳам ҳосилдорликни йилига 23 млн. кг. га ўстириб бориш тақозо этилади. Тўғри, бунинг ўзи бўлмайди, албатта. Негаки, Даржилинг вилоятининг Террай туманидаги янги ўзлаштирилган 13 та чой плантациясини ўтган йили ёмғир мавсумида дарё тошқини ювиб, нобуд қилиб кетди...

Нарзулла ШОНИЁЗОВ.

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

• МОСКВА. Доғистоннинг Первомайское қишлоғида содир бўлаётган воқеалар ҳамда Чеченистондаги мураккаб вазият Россия оммавий ахборот воситалари диққат марказида турибди.

«Труд» газетасида қонли воқеаларга чек қўйишнинг энг мақбул йўли — вазиятни уруш билан эмас, сиёсий жиҳатдан ҳал этиш кераклиги таъкидланади. «Известия»да эса, Қизлар ва Первомайскоедаги воқеалар Россия ҳаётида «Заифлик ва шармандалик»дир дейилади.

***

• **ВАШИНГТОН. Чеченистон билан боғлиқ воқелар бутун дунёда кенг муоҳкама қилинмоқда. АҚШ Президенти Билл Клинтон мамлакат газеталаридан бирининг мухбири билан суҳбатда, Чеченистон муаммосини сиёсий йўл билан бартараф этиш тарафдори эканини айтди.**

«Агар Чеченистондаги вазиятни ҳарбий куч ишлатиш йўли билан ҳал қилиш давом эттирилаверса, воқеалар ривожи бундан ҳам ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин», деди Президент Билл Клинтон.

***

• ТЕЛЬ — АВИВ. Иорданиянинг Акаба шаҳрида ушбу мамлакат ва Исроил ўртасида тинчлик ҳақидаги шартноманинг охирги — тўртинчи битими имзоланди.

Мазкур битимнинг имзоланиши Яқин Шарқдаги аҳволни янада яхшилашга хизмат қилади, деб таъкидлади Иордания ташқи ишлар вазири Абдул Карим Ал-Кабарити.

***

• **НЬЮ-ЙОРК. Америкалик журналист Кристинн Бренаннинг спид касалига чалинган АҚШлик спортчилар тўғрисида ёзган китоби нашрдан чиқди. Энг қизиғи шундаки, мазкур касалга чалинган спортчиларнинг барчаси спортнинг фигурали учиш тури билан шуғулланади.**

Китобда турли йилларда АҚШ ва жаҳон чемпиони бўлган спорт усталари ҳаёти ҳақида гап боради. Муаллиф XX аср вабосига мубтало бўлган 30 нафардан зиёд спорт устасини исмини келтиради.

Жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатида фигурали учиш спортчилари, орасида бундай фожиали ҳолатни кузатиш мумкин эмас, дейилади, жумладан, китобда.

***

• ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг марказий қидирув бюроси (МҚБ) мамлакат ҳукуматининг олти нафар аъзосини яқин кунларда порахўрлик ва мансабини суиистеъмол қилишда айбланиши мумкинлиги ҳақида баёнот берди.

Мамлакатдаги йирик мухолиф, партия — «Бхаратия Жаната парти» раҳбари Л. К. Адванининг ҳам мазкур рўйхатдан ўрин олгани сиёсий доираларда катта шовшувга сабаб бўлди.

***

• **ТОКИО. Японияндаги энг «Кекса» партиялардан бири — Япония социалистлар партияси («Нихон Сякайто») ўзининг сўнгги съездини ўтказди. Мазкур партия бугунги кунда аҳамиятини йўқотган ўзининг сўл марксистик қарашлари оқибатида танглик даврини бошидан кечираётган эди. Шу боис, партия аъзолари унинг номи, дастури ва уставини ўзгартиришга қарор қилдилар. Партия раҳбари Томиити Мураяма мамлакат бош вазири лавозимидан истеъфога чиққанидан сўнг, партия раҳбарияти узил-кесил ана шундай хулосага келди.**

Эндиликда мазкур партия расман Япония Социал-демократлар партияси деб аталадиган бўлди.

***

• МАДРИД. Испаниядаги Хаен шаҳрида жаҳоннинг 40 мамлакатидан келган 156 нафардан зиёд шахматчилар иштирокида ўтказилган халқаро турнир ниҳоясига етди. Унда икки киши болгариялик Владимир Дмитров ва хорватиялик Зденко Кожул ғолиб бўлди.

***

• **ҚОБУЛ. «Толибон» Ислом ҳаракати Афғонистондаги мавжуд муаммоларни ҳарбий йўл билан ҳал этиш қудратига эга эмас, шу боис улар Президент Бурхониддин Раббоний маъмурияти билан тинч музокаралар ўтказиш йўлидан бориши лозим, деди БМТ Бош котибининг шахсий топшириғи билан Қобулга келган Маҳмуд Мистирий.**

У Қобулда Президент Раббоний, Кандаҳорда «Толибон» ҳаракати раҳбарлари ҳамда Мозори-шарифда генерал Дўстим билан учрашишни режалаштирган. Мистирийнинг таъкидлашича, мазкур учрашувлар ҳокимиятни тинч йўл билан бетараф коалицион кенгашга топшириш механизми, шунингдек, мазкур кенгаш таркиби хусусидаги келишмовчиликка барҳам бериши керак.

Айни пайтда Афғонистоннинг собиқ Бош вазири Гулбиддин Ҳикматёр ташқи кучлар мамлакатдаги можарони ҳал қилишга халақит бераётганини айтган. Унинг таъкидлашича, Ҳиндистон ва Эрон «Қобул маъмуриятини қўллаб-қувватламоқда».

***

• ТЕЛЬ—АВИВ. Фаластинлар яҳудийларга тажовуз қилишни давом эттираверса, Исроил ҳукумати тинчлик ўрнатиш жараёнини тўхтатиб қўйишга мажбур бўлади, дея таҳдид қилди Исроил ташқи ишлар вазири Эхуд Барак Фаластин миллий мухторияти маъмуриятига.

Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги Ал-Ҳалил шаҳри яқинида исроиллик икки ҳарбий ўлдирилганидан сўнг мамлакат Ташқи ишлар маҳкамаси раҳбари ушбу баёнотни берди.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

ҒАЛАБАГА БАҒИШЛАНГАН ОЛТИН ТАНГА

Францияда қиймати 500 лари (400 доллар) бўлган грузин олтин тангаси чиқарилди. Бу тангалар атиги 2 минг дона бўлиб, уларнинг ҳар бири таркибида 17 грамм тоза олтин бор. Олтин тангалар Иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган бўлиб, унинг орқа томонида Сталин, Рузвельт, Черчилл ва Де Голларнинг рельефли тасвири бор.

Грузин миллий банки президенти Н. Жавахишвилининг айтишича, ушбу юбилей тангаларини жаҳон бозорида сотиш бўйича бир қатор чет эллик фирмалар иш олиб бормоқда.

КАСПАРОВ НИМА ДЕЙДИ?

Испанияда чиқадиган «Эль Паис» газетасининг таъкидлашича, Гарри Каспаров халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) янги президенти, россиялик Кирсан Илюмжиновнинг шахмат бўйича жаҳон чемпионатини янгича формулада ўтказиш таклифига қўшилмади. Бу таклифга кўра, ҳар йили дунёдаги юзга яқин етакчи шахматчилар ўртасида мукофот фонди беш миллион долларлик йирик мусобақа ўтказиш кўзда тутилганди.

— Қарийб 110 йилдан буён давом этиб келаётган жаҳон чемпионати анъанасини, яъни чемпион ва бу номга даъвогар ўртасидаги кураш мусобақасини сақлаб қолиш керак, — деди Г. Каспаров қатъий қилиб. — Дарвоқе, мен қонуний жаҳон чемпониман. Ҳеч ким бу номни мендан тортиб олишга ҳаққи йўқ.

Каспаров 1997 йили жаҳон чемпиони титулини сақлаб қолиш учун кураш олиб боришини айтди. Бироқ ким тожга даъвогар бўларкин? Буни вақт кўрсатади.

ЧАПАҚАЙГА ҲАМ ОСОН ЭМАС

Финляндияда чап қўли билан ёзувчи кишилар жуда кўп учрайди. Бу сирли ҳолга илмий жиҳатдан ҳали олимлар бирон бир изоҳ беришгани йўқ. Лекин яқинда маҳаллий газеталарда чапақайликнинг ёмон асоратлари ҳақида айрим мишмишлар чиқиб қолди. Эмишки, америкалик олимлар ўтказган тадқиқотларга кўра, чапақайлар ўнг қўли билан ёзадиганларга нисбатан кўпроқ юрак хасталиклари билан оғрир эканлар.

(Чет эл ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Иброҳим РАҲИМ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

НАБИЖОН ВА УНИНГ ИЗДОШЛАРИ

Очерк

«... Қувасойлик тадбиркор Набижон Маҳмудов шахсий маблағи ҳисобига мактаб қуриб берди. Ҳозир бу мактаб гимназияга айлантирилган. Набижон Маҳмудов хайрли ишга фақат эзгу мақсадлар билан қўл урди. Унинг бу иши энг юксак ҳурмат ва эътиборга лойиқдир.»

Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис сессияси минбаридан туриб чин юракдан айтган бу сўзлари кўпчиликни лол қилди. Нега? Маълумки, ҳар даврнинг ўзига хос муаммолари ва ўшанга мос ечимлари бўлади. Бизнинг энг янги тарихимиз бўлмиш Истиқлол рўзғорида иқтисодий қийинчиликларнинг бир ҳаётий муаммоси ечимини топган ана шу мард йигит ва сахий Набижон ким ўзи? Унинг «энг юксак ҳурмат ва эътиборга лойиқ» ишлари нималардан иборат? Президентимиз эътиборини тортган «эзгу мақсадлари» нималар?

Ана шу сир-асрорни билгани водийнинг сўлим жойларидан бири Қувасойга бориб келдим. Набижоннинг қадди-қомати девдай басавлат кўринса-да, ўзини тутиши зиёлига хос хуш табиат эди. Тўлин юзи анор рангли бўлиб, ичидан табассум нури тўкиб тургандай, кўзлари ҳамиша чарақлаб кўринади. Уларга боқиб, Набижоннинг ичи тўла ғайрати ташида барқ уриб турганини сезасиз.

Уни одамлар билан мулоқотда кўринг экан. Бировни «сен» демаскан. Гўдакни ҳам сизларкан. Буни ўз кўзим билан кўриб, билиб ишондим-да, унинг ўзини суҳбатга тортдим.

У туғилган 1954 йили падари бузруквори Мухтор Маҳмудов Валик қишлоғи мактабининг ўқитувчиси эди. Волидаи меҳрибони Кимёхон Маҳмудова «Пахта учун» деб аталмиш ўртамиёна колхознинг ёзу баҳорида кетмончиси, кузакда теримчиси, қишда эса кўрак чувиб, турли-туман хизматларни бажо қилувчиси эди. Тўнғич фарзанднинг ўғил бўлиб дунёга келиши бу оилага катта қувонч бахш этди. Тўнғичимиз укаларига намуна бўлсин, деган ниятда қулоғига азон чақиртириб, исмини Набижон деб қўйдилар. Фаришталар омин деган эканми, оилада бирин-кетин яна саккиз фарзанд туғилди. Набижон уч сингил, беш уканинг серкаси бўлиб ўсди.

Саккиз уканинг акаси. У ҳар жиҳатдан жажжи сингилчаларию митти укаларига ўрнак бўлишга уринди. Уйда волидасига кўмакчи, кўчакуйда укаларига қўриқчи бўлди. Ўқишда ҳам намуна кўрсатди. Аъло ўқиди, ҳам колхоз машинасини ҳайдаб, оилага нон топиб келувчи яхшигина дастёр бўлди.

Ўн етти ёшга тўлгач, ҳарбийга кетди. Қўлида ҳунари бор эди — намунали ҳайдовчи бўлиб олди. Хизматдан сўнг Фарғонада автобус ҳайдади. Зукко ва ўз касбининг устаси бўлгани учун касбдошлари уни ҳазиллашиб «Генерал шофёр» дейишарди. Лекин гоҳо йўл-йўлакай олий ўқув юртларига чорловчи эълонларга кўзи тушиб қоларди. Улар ичида адлия институтининг чорлови дидига маъқул кўринди-да, ариза кўтариб Душанбега борди. Шофёрликда «Генерал» бўлгани билан адлия соҳасида пиёдаликка ҳам ярамади — имтиҳонда йиқилиб, уйига қайтишга ор қилди-да, ўша жойда ўз касбикорини давом эттирди. Энди шаҳарлараро қатнайдиган бўлди. Ўзи уддабурон йигит эмасми, йўл юраверириб-йўл юраверириб ишбилармонлик билан тадбиркорлик ҳунарини ўрганиб олди. Бир йигитга қирқ ҳунар ҳам оз деб билган Набижон адлия илмини эгаллаш ниятини ҳам амалга оширди. Адлия институтининг сиртқи бўлимини битириб олди. Оила масаласига келганда...

— Олий маълумот олганимдан кейингина уйландим, — дейди Набижон кулимсираб ва Маърифатхонни ҳам ўз севган касби орқали қандай топганини гапириб берди. Гоҳо тасодифлар ҳам одамга бахт ато қилиши мумкин экан. Бир куни унинг автобуси Қўрғонтепанинг кенг кўчасидаги бир дарвоза олдида тўсатдан бузилиб қолди. Набижоннинг кўзи ногаҳон дарвоза ичкарисига тушди. Қўлида челак кўтарган қиз кўринди. Дили тортиб, тили ўнгланиб, бир челак сув сўраган йўловчига сахий қиз сув узатди. Аммо уям одобли йигит эмасми, соҳибжамолга ботиниб қарай олмади. Сув аксида анордай товланиб, ҳақиқдай порлаб турган қизнинг сиймоси уни маҳлиё қилиб қўйганди. Шу-шу бўлди-ю, унинг шаҳарлараро йўли шу кўчадан ўтадиган, автобуси эса келиб-келиб доим шу дарвоза олдида «бузиладиган», у «бир челак сув» сўрашни канда қилмайдиган бўлди. Кейин-кейин чой-нон, дастурхон ёзилди. Ниҳоят тақдир чамбарчас боғланди.

— Худо бераман деса, бандасидан асло аямас экан, — дейди Набижон. — Маърифатхон тўнғич фарзандимиз қиз бўлса, ёнимга кириб, дастёр бўлиб, оғиримни енгиллатади, дерди. Қаттиқ сўраган экан шекилли, тўнғичимиз ҳам, ўртанчамиз ҳам, ундан кейингилари ҳам қиз бўлди. Мавлуда, Матлуба, Мастура, Ўғилойлар туғилди. Барибир ўғилнинг ўрни сезиларди. Яратган бир эмас, яна қўш қўллаб берди: Ҳасан-Ҳусан! Бошим осмонда, оёғим олтита! Бироқ ҳаёт шафқатсиз экан. Қувончимиз яримта бўлди — Ҳусанжон оғир дардга чалинди. Қишлоқда касалхона йўқ. Гоҳ Марғилон, гоҳ Қўқон, гоҳ Фарғонага қатнадим, фойдаси бўлмади. Етти кун деганда қўлдан бериб қўйдик. «Дўхтирлар сақлаб қололмадими?» дея сўрайман. У ҳазин оҳангда «Бир касалликнинг мутахассиси тўрт шаҳар касалхонасида экан. Бечора чақалоқни биридан иккинчисига олиб боргунимча бўладигани бўлди. Ўшанда алам қилди — Валик қишлоғида бир замонавий шифохона қуришни ният қилдим. Насиб этса яқин орада бошлайман. Унгача мактаб қуришга тўғри келди...

Сўнг яна ўз хотираларини ҳикоя қила бошлайди:

— Жамғарган маблағимни ҳисобласам, бир салхона қуришга етади. Қишлоқ оқсоқоли Акбар ака ҳузурига бордим. Кўпни кўрган бу доно одамга имкониятларимни айтиб, «касалхонани қаерга қурай? Жой кўрсатинг» десам, қувониб кетди. Қўлимдан ушлаб қишлоқ мактабига олиб кирди. Товуқ катагидай пастқам, қоронғи, зах дарворлари тўкилаётган дарсхоналарни кўрсатиб:

— Мана шу вайронада келажак авлодни тарбиялаб бўладими? Фарзандларимизнинг шу жойда илм олишларига розимисан? — деди.

— Тушундим... — дедим зўрға.

— Нимани тушундинг? — такрор сўради ва жавобни эшитмаёқ, ўзи айтди:

— Болакайларга мактаб керак, ўша маблағингга янги мактаб қуриб бер!

Набижон мард йигит эмасми, гапни иккита қилмай Акбар акага қўл берди:

— Қурганим бўлсин, дуо беринг!

Йигит сўзидан, арслон изидан қайтмас, дейдилар. Набижон 1993 йилнинг кузидаёқ янги лойиҳада намунали, замонавий ўрта мактаб биноси пойдеворини қуришга киришди. Харажати йигирма миллион сўмга тушади дейишди. Бу айтмоққа осон. Шунча пулни қишлоқ ўқитувчисининг ўғли, шофёрликдан нон топган Набижон қаёқдан оладди? Унинг ҳамёнида ўн миллион сўм маблағи бор эди. Қурилиш қийматининг ярми бу. Қолганини топиш учун ҳаракат керак.

Тошни тошга уруштирсанг — чақмоқ чиқади, пулни пулга чақиштирсанг-маблағ унади. Набижон бозор иқтисодиётининг бу қонуниятини яхши биларди ва ўз тадбиркорлик фаолиятида шунга амал қиларди. Бозорма-бозор юриб, арзон жойда йўл-йўлакай мол олиб, қиммат жойда пуллаб, орттирган маблағини йиғиб 1992 йили катта умид билан «Шарқ» фирмасини очди. Бироқ рўйхатдан ўтказишмади. «Фаолият тури ва номини ўзгартириш керак» дейишди. Чунки худди шу номда бошқа фирмалар бор экан. Қувасойга қайтиб фирмани қайта тузиб, «Имкон» номи билан иш юрита бошлади. Кутилмаганда омади чопди. Ўзбекистон қурилиш материаллари давлат концерни раисининг биринчи ўринбосари Эркин Бўтаев билан иш юзасидан учрашиб қолишганда маслаҳат солди:

— Заводларимизда хом ашё йўқ. Тадбиркорларнинг мадади керак. Асбест жуда тақчил. Етказиб берсангиз бизга катта мадад бўларди...

Эркин Мажидович билан келишиб олишди. Набижон Қувасойдаги ташландиқ фирмасининг манзилини узоқ хорижга ҳам яқин қилди. Ҳамдўстлик давлатларига биринчи бўлиб қадам қўйди. Илк қадами қутлуғ бўлди — аввал Қозоғистон, сўнгра Россиядан вагон-вагон тақчил қурилиш материали кела бошлади. Аввал Қувасой, сўнгра Бекобод, кейин бутун мамлакат заводлари Набижоннинг «Имкон»и келтирган хориж хом ашёсидан «тирилиб» кетди.

Албатта, бу саъй-ҳаракатлар бекорга эмас, катта маблағлар эвазига жонланди. Набижоннинг «Имкон»и ўтган йилнинг ўзида четдан 217 вагон ноёб юк келтириб заводларга улашди. Бу молларни у Ўзбекистон олтини ёки долларига эмас, сопини ўзидан чиқариб, ҳар бир мамлакатнинг ўзидан топган пулига олиб келди. Қандай қилиб, дейсизми? Қаловини топса қор ҳам ёнади, дейдилар. Набижон ҳар ишнинг қаловини топадиган топқир ва эпчил ишбилармон эмасми, яъни четда ҳар бир давлатнинг ўзида воситачи тадбиркорлик хизматини бажариб, даллоллик ҳақи олди. Масалан, Қозоғистондан Қирғизистонга, Россиядан Қозоғистонга зарур моллар топиб бериб, ўн фоиздан воситачилик улушини олади-да, ўша пулга Ўзбекистонга керакли, арзон хом ашё олиб келади.

Ўзбекистондан ҳам хорижга юк ташийдими ёки унинг поезди бир ёқлама қатнайдими? Бунинг ҳам йўли топилди. Биздаги ортиқча мазутни чет элликларга пуллаб, эвазига юртимизга саноат-боп, харидоргир матолар келтирди. Фойдасини... тарозуга қўйди. Ҳар хил тўра-амалдорларга эмас, аксинча кўпроқ ночор оилаларга қарашди. Янги йил арафасида Қозоғистондан 600 қоп ун келтириб, ҳамқишлоқларига бепул улашди. Арабистондан эса бир неча вагон мандарин билан апельсин олиб келиб, бозордагидан тенг баравар арзонига сотди. Болалар боғчалари ва мактабларга эса текинга берди.

Набижоннинг тенгсиз ҳиммати эвазига икки йилда қишлоқда ажойиб маърифат кошонаси тикланди. «Яхши одамларнинг садағаси кетсанг, арзийди,— дейди Набижон. — Шахсан вилоят ҳокими ва Қувасойлик раҳбарлар яқиндан ёрдам беришмаса мактаб бунчалик тез битмасди».

Икки қаватли ҳашаматли мактаб биноси пештоқидаги ёзувга кўзим тушади: «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Фарғона вилояти Қувасой шаҳар Мухтор ҳожи Маҳмудов номли ўрта мактаб».

Тадбиркор Набижон Маҳмудов ўз маблағига қурган мактабни падари бузруквори, пенсионер ўқитувчи, ажойиб инсон Мухтор ҳожининг номи билан атади. Бу ўғилдан отага муносиб ёдгорлик!

Катта ва ёруғ, қишда иссиқ, ёзда салқин дарсхоналар янгича жиҳозланган. Мактаб компьютерлардан тортиб, турли-туман замонавий ўқув-техник қуроллари билан таъминланган. Замонавий ўрта мактабда ҳозир 383 нафар бола ўқияпти. Мактаб илмий бўлим мудири Нуриддин Аббосовнинг мағрурланиб айтишича, янги бинода ўқиш, ўқитиш ҳам янгича, ўзгача сифат кашф этган. Ўқувчиларнинг ўзлаштириши анча юқори кўтарилган. Мактаб ёнида мевазор боғ яратилибди.

— Яна қандай ниятлар бор? — қизиқсиниб сўрайман Набижондан.

— Юрагимда яна битта армон турибди. У ҳам бўлса юз ўринли шинам ва замонавий касалхона қуриб, халқим ихтиёрига топширсам, кейин кўнглим сал тинчийди. Лойиҳаси тайёр! Сметаси 12 миллион сўм. Тиббиёт жиҳозлари Германиядан келади. Шартномалар тузилган. Шу ойда қурилишни бошлаймиз. Мустақиллигимизнинг беш йиллиги байрами кунида шифохона калитларини Ҳасанжон ўғлим билан бирга дўхтирлар қўлига топширамиз. Яна бир қувончли хабар: Набижон шифохона ёнгинасида сут комбинати ҳам қурмоқчи. Чунки беморларга сут-қатиқ, қаймоқ ҳам керак-да. Униям олмонлар билан ҳамкорликда битказади.

Фарғона вилоятида Набижон Маҳмудовнинг издошлари кундан-кунга кўпайиб боряпти. Қувада 132 та жамоат биноси, мачит, магазин қуриб халққа ҳадя қилган машҳур тадбиркор Иброҳим Каримов қурилиши тўхтаб қолган туғруқхонани ўз жамғармасидан битириб беришга киришди. Унинг шогирдлари Сойкелдида чала қолган мактаб биносини ҳам битказишмоқчи.

Қувасойдаги ҳамма қурилишларда Набижоннинг, озми-кўпми, иштироки бор. Аммо улуши ўзгачароқ. У ҳозир Қувасойда мева концентрати ишлаб чиқарадиган антиқа завод қуряпти. Бунинг учун Голландиянинг «Тетра Пак» фирмаси билан мустаҳкам алоқа боғлади. Ҳар соатда етти ярим тонна мевани қабул қилиб, йилига эллик миллион тонна мева шарбатини оладиган бундай завод Ҳамдўстлик мамлакатларининг биттасида ҳам йўқ. Унинг маҳсулоти бутун дунёда харидоргир бўлиши мумкин.

Лекин... Набижон кўнглини «ёради»: «Биласизми, бизда ҳалиям қоғозбозлик ниҳоятда кучли. Асосий муаммо — яна ўша кредит масаласи. Бизнинг банклардан кредит олгунча сочингиз оқаради, асаблар қақшайди. Бир уюм керак-нокерак қоғоз тўплайсиз. Аммо тўплаган қоғозингизни бир турлиб сувга оқизишлари мумкин. Иши тушмаган одам бунинг сирини тушунмайди. Пулдан пул чиқариш осонмас-да...

Набижон бунинг ҳам йўлини топди. Унинг бу муаммосини германиялик ҳамкорлар тушундилар ва гап-сўзни чўзмай, дарҳол шеригининг жонига оро киришди. Германиядан сотиб олинадиган завод пулининг Набижон тўлайдиган ҳиссаси учун ҳам нақд кредит берадиган бўлдилар.

Шунча ҳангомаларни бошидан кечирган Набижон Маҳмудов гуё ҳеч нарса кўрмагандай босиқ, гўё ҳеч бир айтарли иш қилиб улгурмаган инсондай камсухан кўринади. Унинг ҳамма гапи ичида. Ташқарига чиқадигани мулойим мулоқотию ишчан муносабати...

ЙИЛЛАР АРМОНИ

Ўзбек феъли

Машҳурликнинг ҳам чегараси бўлади. Беш, ўн, балки йигирма-ўттиз йил, у ёғи яна ортга қайтиш... Бу — асли бир ўлчовга сиғмаган ҳақиқат-да. Лекин СПОРТ дея аталмиш дунёнинг бошқача, биз гоҳо англаб, гоҳо англаб етолмайдиган ҳақиқатлари ҳам борки, бугун шу ҳақда икки калима сўз айтмоққа уриндик.

Йўқ, бу одам машҳур спортчи ё катта тренер эмас. Ўзини сизу биз қатори оддийгина бир мухлис деб ҳисоблайди. Ва «сизлардан фарқим — озгина шу соҳанинг ичида юрганим» деб қўяди. Лоф эмас, ишонаверинг, Ўзбекистон ва қўшни қондош мамлакатларнинг кўпчилик аҳолиси у кишини овозидан танийди.

Ахбор аканинг умр йўлларида иккита чизиқ бор: бири текис ва тўғри, иккинчиси салгина... Кейингиси ҳақида деярли гапирмайди. Фақат аҳён-аҳёнда уч-тўрт ой ҳеч қаерда кўринмай қолса, кейин эшитамиз. Бир куни гурунг орасида ўзи айтиб қолди: «Ишонгим келмайди. 60 га кирибман. Лекин ана шу ўтган умримда мен учун энг катта йўқотиш — «Пахтакор-79» бўлди! Бошқалари ўткинчи. Яна уч йилдан сўнг уларнинг ҳалокатга учрагани га 20 йил тўлади. Барибир юрагимнинг бир четида жуда катта оғриқ бор. У ҳам бўлса 70-йиллардаёқ Ўзбекистон футболининг келажаги порлоқ бўлишини исботлаб кетган собиқ пахтакорчилар хотираси олдида ҳар лаҳза қарздорлигимизни ҳис қилиб яшаш...

Эсладим: саксонинчи йилларнинг ўрталари эди. Машҳур футболчи Олим Ашировнинг опаси, раҳматлик Роҳатой опа айтиб берувди. «Марҳум футболчилар оилаларининг учрашуви бўлди. Ўшанда Ахборжон ўғлим мени ҳамма билан таништириб чиқди. Сўнг... Менинг онам ва Михаил Аннинг онаси кўришиб, бир-бирини қучоқлаб зор-зор йиғлаганда Ахборжон чидаб туролмади. Оналарнинг ноласидан юрак хуружи тутиб қолди...»

Йиллар ўтаверди. Аммо Ахбор ака қаерда ишласа-да, мухлислар унинг жарангдор ва самимий овозини соғиниб яшадилар. Гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай кетса хавотир ила олис Фарғонадан, Қашқадарёдан, Ўшдан, Хўжанддан у кишини йўқлаб келишди.

Барибир ўшанда ҳам кўнглимни бир дардли савол қийнарди. «Нега гуржилар ўз Котэ Махарадзеси, ўрислар Николай Озерови билан ярим дунёга мақтанишади?» Уларнинг ғурурланишига ҳавасим келарди. Ҳозир ҳам шундай. Чунки шарҳловчилик ҳазилакам, ёки баъзилар ўйлагандек енгилгина иш эмас. Ахир ўзим гувоҳман: Ахбор ака қаерда, хоҳ радиода, хоҳ ойнаи жаҳонда бўлса-да, қандай ўйин ўтказилишидан қатъий назар бир-икки кун аввал ухламай турли-туман ахборотларни йиғарди.

Тўғриси, шарҳловчиликнинг мактаби йўқ. Худо бермаса қийин экан. Қани айтинг-чи, шу пайтгача қайси халқдан Махарадзе ё Озеровнинг ўрнини босадиганлар чиқди? Уларнинг довруғига ҳавас қилиш керак. Лекин афсуски, ўзимизнинг ҳақиқий, жайдари ва соф ўзбекона лутфда футбол ҳақиқатларимиз ҳам мақтанса арзигулик. Ахбор ака эса...



ЎЗИНИНГ ГАПЛАРИ:

— Кечагина Президентимизнинг Ўзбекистон футболининг тақдири ҳақида қуйиниб айтган сўзлари юрагимни ўртаб юборди. Тўғри-да, деярли йил да соатлаб ҳеч қандай матнсиз гапира оладиган Ахбор Имомхўжаевнинг бетакрор имкониятларидан фойдалана олмаяпмиз. Бугунги кунда шарҳловчилик қилаётганлар маъзур тутишсин, уларнинг футбол ва бошқа турли спорт мусобақаларидан олиб бораётган руҳсиз, енгил репортажларидан кўнглим тўлмайди.

Ўзбекистон улкан мамлакат. Кўз тегмасин, тарих учун жуда кичкина муддат ҳисобланган беш йил орасида қаддимизни тикладик, катта дунёга чиқиб олдик. Айниқса, шу ўринда спорт соҳасида эришилган муваффақиятларимиз ҳам мақтанса арзигулик. Ахбор ака эса...

ЎЗИНИНГ ГАПЛАРИ:

— Кечагина Президентимизнинг Ўзбекистон футболининг тақдири ҳақида куйиниб айтган сўзлари юрагимни ўртаб юборди. Тўғри-да, деярли йил энг оммавий ва жуда кам харажат талаб қиладиган футболга ўгай муносабатда бўлиб келинди. Бугун кечаги ўлчов билан яшаб, ишлаб бўлмайди.

Менинг армоним: бу йил Атлантада Олимпиада ўйинлари ўтказилади. Қанийди бизнинг мамлакатимиз спортчилари, қолаверса, ўзбек фарзандлари Ўзбекистон номини баланд кўтариб қайтсалар, бир мазза қилиб чин юракдан тўлиб-тўлиб мухлисларни суюнтирсам.

Ва мустақил давлатимиз футболи яқин йилларда ривожланиб, юксалиб жаҳон чемпионатларида бизнинг командамиз ҳам қатнашса. Худо хоҳласа, шундай кунлар яқин...

Яхши ният — ярим давлатда. Халқимизнинг юрагига ўзининг соҳир овози ва иссиқ сийрати ила кириб борган инсон — Ахбор аканинг нурли армонлари ушалсин, илоё.

Норқобил ЖАЛИЛ.

Қутлов

Пахтакорчиларнинг энг яқин дўсти,
Анга ака каби яқин қадрдон.
Олим Ашировни йиғлаб хотирлаб,
Шуҳрат Эшбўтани туш кўрган инсон.
Сиз ҳабибмиксанси, табибмиксанси,
Ҳамма сизга дардин айтади.
Спортдан кетмоқчи бўлган одам ҳам,
Ёнингиздан соғайиб қайтади.
Ахбор деганлари — хабар, суюнчи,
Йўқлов, сўровларга шарафлар бўлсин.
Оламда эзгулик излаб оқарган,
Бошда қировларга шарафлар бўлсин.
Чўпонлар сўрайди сизни тоғларда
Пахтакорлар салом дейишар ҳар гал.
Ҳаммалари дилга яқин санайди,
Ҳаммалари сизни кўришга маҳтал.
Умр деганлари — тошга қўнган қор,
Шу қадар омонат, шундай ўткинчи.
Бизга олтмиш йиллик бахтдан гапиринг,
Бизга олтмиш йилдан беринг суюнчи,
Бошда айланаркан олтмишта оққуш,
Сиз улар бўйнига нелар илдингиз.
Ўшал барчамизга таниш табассум,
Жилмайиб келдингиз, кулиб келдингиз.
Набиралар қутлар: Ахбор бобожон
Оқ гулларга тўлсин, доим изингиз,
Тўқсонла тўқнашиб, юзла юзлашинг,
Сизга соғлиқ тилаб шоир қизингиз:

Зулфия МЎМИНОВА.

"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС"
ЎЗБЕКИСТОН — БЕЛОРУСЬ ҚЎШМА КОРХОНАСИ
сўмда пул ўтказиш йўли билан
Тошкентдаги омбордан
турли модификацияли
МАЗ *туркумидаги автомобилларни,*
МТЗ *экскаваторлари ва тракторларини,*
автомобиллар ва тракторлар учун бошланғич бутликдаги: **Д-243, Д-245, ЯМЗ-238-2М** *двигателларини,* **АТЗ-10К** *ёқилғи заправкачи машиналарини*
СОТАДИ.
Нархлари завод баҳосидан арзон.
Манзил: Тошкент, Нукус кўчаси, 3-уй.
Алоқа учун телефонлар:
(3712) 54-94-11, 54-69-72, 54-99-11, 54-62-43, 54-62-09.
"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС" — ҳамкорликка чорлайди!

ФИРМА «COTTON CARGO TERMINAL»
Пахта экспорти учун омборхоналар
ТАКЛИФ ЭТАДИ
— очиқ божхона омборларида қабул қилиш ва тахлаш;
— навларга ажратиш, сертификатлаш;
— транспорт — экспедиторлик хизмати;
— Оврўпонинг барча нуқтасига етказиб бериш, ҳамкорлар излаш;
ЛИТВА, ИОНАВА шаҳри.
тел/факс (8-01219) 52438.

ҚЎШМА КОРХОНА
ТАКЛИФ ЭТАДИ:
Халқ эҳтиёжи молларини етказиб беради:
Парфюмерия (турли атирлар, лосьёнлар, дезодорантлар) Франция ва Европа мамлакатларида ишлаб чиқарилган.
Италиянинг ҳар-хил баҳорги-ёзги пойабзаллари.
Тўлов шакли — пул ўтказиш йўли билан ёки нақд пулга, маҳсулотлар Тошкент шаҳридаги омборга келиб тушгандан сўнг.
Шунингдек, каталогларни, маҳсулотлар намуналарини кўришга ҳамда шартномалар тузишга таклиф қиламиз.
Сизларни қуйидаги манзилда кутамиз:
Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 1.
Телефонлар: (3712) 45-70-60, 45-70-65.
Факс: (3712) 45-56-65, 45-66-67.

ҚЎШМА КОРХОНА
1996 йилга қуйидагиларни етказиб бериш учун буюртмалар қабул қилади:
Қора металл (лист, уголок, қувур, айлана металл ва ҳоказо).
Қурилиш материаллари.
Тўлов шакли — пул ўтказиш йўли билан ёки нақд пулга, маҳсулотлар Тошкент шаҳридаги омборга келиб тушгандан сўнг.
Сизларни қуйидаги манзилда кутамиз:
Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 1.
Телефонлар: (3712) 45-70-65, 45-70-60.
Факс: 45-56-65, 45-66-67.

Қулайлик

ҲАЙДОВЧИЛАР ҚУВОНЧИ

БУХОРО (мухбиримиздан). «Бухоротранс» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 2533-автожамлама ҳайдовчилари учун яна бир қулайлик яратилди.

Корхона ишчилари, айниқса ҳайдовчилар янги фойдаланишга топширилган ошхона хизматидан беҳад мамнун. Бу ерда тайёрланаётган турли таомлар сифатли бўлиши билан бирга бирмунча арзон экани билан ҳам таҳсинга лойиқ. Корхона ошхонани ишга тушириш учун 250 минг сўм маблағ сарфлади.

Даврон БАҲРОНОВ.

МУСТАҚИЛЛИК МИНБАРИ

Эътироф

«Мулоқот» журналининг илк сони ўқувчилар қўлига текканига беш йил, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг нашрига айланганига бир йил тўлди. Шу муносабат билан мухбиримиз журнал бош муҳаррири Барот БОЙҚОБИЛОВга бир неча саволлар билан мурожаат этди.

— Журналнинг босиб ўтган йўлини, унинг Ватанимиз ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида тутган ўрнини қандай баҳолайсиз?

— «Мулоқот» журнали бевосита муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 1991 йилда ташкил этилган бўлиб, у ўзбек матбуоти ва маданияти тарихида илк бор миллий, оммавий, ижтимоий-сиёсий нашр сифатида дунёга келди.

«Мулоқот»ни нашр этишдан асосий мақсад—маданияти, илм-фани, маърифати ривож топган ўзбек диёрининг минг йилларга дахлдор ниҳоятда бой тарихини ва унинг маданият хазинасидаги маънавий дур-жавоҳирларни кенг кўламда, бутун борлиғича халқимизга етказиш, уни баҳраманд этишдан иборатдир.

Ватанимиз тарихий неъмат—Мустақилликни қўлга киритгандан кейин биз миллий истиқлол мафкураси мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун жуда ҳам зарур эканини тўла англаган ҳолда иш тутдик.

Журнал ижтимоий-сиёсий ҳаётимизни, бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги муаммоларни ҳар томонлама, чуқур таҳлил этилган ва илмий асосланган ҳолда ёритишни, мустақил мамлакатимиз бугуни ва истиқболини белгиловчи аниқ концепциялар, сиёсий ва иқтисодий жабҳадаги янгича қарашлар, ички ва ташқи сиёсатимизни, ислоҳотларни амалга оширишнинг тактика ва стратегиясини кенг тарғиб қилиш ва чуқур таҳлил этишни, инсонпарварлик ғояларини оммага етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Қисқаси, «Мулоқот» журнали Ўзбекистон мустақилликка эришиб, ўзига хос йўлни танлаган беш йил мобайнида ҳаётимизнинг чинакам кўзгусига айланди.

— Журнал халқимиз тарихи, бой ўтмиши мавзусига ҳамиша катта аҳамият бериб келади. Буни нима билан изоҳлайсиз?

Тарих—келажак бешиги, дейилади. Келажак тарих қучоғида вояга етади. Шу нуқтаи назардан журнал саҳифаларида Ҳазрати Имом Бухорий, Ат-Термизий, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Сулаймон Боқирғоний, Хожа Аҳрор Валий, Абдулхолиқ Ғиждувоний ва бошқа мутасаввуфлар, алломаларнинг қиммати асарларидан парчалар берилди. Тарихимизнинг қопқаси зич беркилган дафиналарига фозил муаллифларимиз тафаккур калитини сола билдилар. Журнал ўзининг бу йўналишини янги йилда ҳам изчиллик билан давом эттиради.

— Журнал Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг нашрига айланғач, унинг йўналиши ва мазмунида ўзгаришлар рўй бердими?

— Журналимиз 1995 йилдан бошлаб ЎзХДП МКнинг нашрига айланди. Биз ўзимизнинг анъаналаримизга содиқ қолган ҳолда, партия ҳаётидаги муҳим ўзгаришларни, янгиликларни, унинг ички ҳаётини, халқ билан яқиндан муносабатини ёритишни ҳам зиммамиздан соқит қилмаймиз. Ўзбекистонда кўппартиялилик қарор топаётган шароитда партияларароо ўзаро муносабатларни ҳам журнал саҳифаларида ёритишни мўлжаллаганмиз. ХДП—республикамизнинг энг йирик партияларидан бири. Халқимизнинг салоҳиятли фарзандлари унинг аъзосидир. Шунинг учун биз халқ ҳаётини, республикамизда кечаётган буюк ўзгаришларни журнал саҳифасида ёритишга ҳаракат қиламиз.

— Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоят Кенгашларининг навбатдан ташқари сессиялари, Олий Мажлиснинг IV сессияси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси кенгашида республикамиз матбуот ходимлари зиммасига ғоятда масъулиятли вазифалар юклади. Юртбошимизнинг дастуриламал кўрсатмаларидан келиб чиқиб, журнал жамоаси, қолаверса, бутун Ўзбекистон матбуоти олдида қандай юмушлар, вазифалар турибди деб ўйлайсиз?

— Дарҳақиқат, юқорида қайд этилган йиғинларда Президентимиз оммавий ахборот воситалари ҳамда матбуот ходимлари олдига ғоят масъулиятли вазифаларни қўйдилар. Чунки, матбуот даврнинг кўз-қулоғи, унинг виждони ва юрак садосидир. Мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсати, олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг афзаллигини халқимизга етказишда газета-журналларимиз, телевидение ва радионинг хизмати беқиёсдир. Шунга қарамай, журналистларимиз ислоҳотлар моҳиятини ёритишда сусткашлик қилаётганликлари сир эмас. Биз Президентимиз кўрсатмаларидан тўғри хулосалар чиқариб, ўз ишимизда сезиларли ўзгаришлар қилишимиз лозим. «Мулоқот» журнали таҳририяти ҳам қўйилган вазифаларни ўз жамоасида кенг муҳокама қилди, асосий вазифаларни белгилаб олди. Ўйлаймизки, таҳририят ходимлари бу юмушларни виждон амри билан адо этишга қодир.

— Журнал жамоаси 1996 йил учун обуна мавсумини қандай якунлади?

— Бу йилги обунани ташкил этишда ЎзХДП МК, вилоятлар ҳокимликлари бизга яқиндан ёрдам беришди. Ўтган йилдагига нисбатан бу йилги обунамиз 125 фоизни ташкил этди. Бу яхши кўрсаткич, албатта.

Қорақалпоғистон республикаси, Хоразм, Андижон, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Қашқадарё, Фарғона, Жиззах вилоятларида журналхонларимиз сони анча кўпайди. Афсуски, Бухоро, Тошкент, Навоий вилоятларида ўқувчиларимиз бироз камайди. Биз обуначиларимиз озайган вилоятлардаги аҳволнинг асл сабабларини ўрганамиз ва таҳлил этамиз. Содиқ ўқувчиларимизга эса ўз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

— 1996 йилда журнал жамоаси ўз ўқувчиларини қандай мақола ва асарлар билан хушнуд этади?

— 1996 йил — Амир Темур йили деб эълон қилинди. Шу муносабат билан Н.Ражабовнинг «Навоий талқинида Амир Темур», «А. Усмоннинг» Амир Темур ва мутасаввуфлар», Ҳ.Собировнинг «Амир Темурнинг иқтисодий фаолияти ва иқтисодий қарашлари» каби қатор қизиқарли мақолаларни журнал саҳифаларида ёритишни мўлжаллаганмиз. Журналнинг биринчи сонидан бошлаб йил охиригача Алишер Навоийнинг «Насойимул муҳаббат» асарини (шу пайтгача нашр қилинмаган), мавжуд нашрларда қисқартириб қолинган қисмини эълон қилиб борамиз.

Бундан ташқари, азиз муштарийларимизнинг санъат ва адабиётга қизиқишини ёддан чиқарганимиз йўқ. Иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий мавзудаги мақолалар билан бир қаторда Ватанимиз ва халқимиз ҳаётининг бугуни ва келажагини акс эттирувчи жозибали асарлар беришни ҳам эътибордан соқит қилмаймиз.

Салим АШУРОВ суҳбатлашди.

ЎЗБАТ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ ҚЎШМА КОРХОНАСИ
(BAT Central Asia)

Ўзбек-Британия қўшма корхонаси ишга таклиф қилади

BAT

ЎЗБАТ акционерлик жамияти қўшма корхонаси Ўзбекистон иқтисодиётига катта ҳисса қўшаётган инвесторлардан биридир. Биронта саноат корхонаси ўз ходимларига ЎЗБАТ акционерлик жамияти қўшма корхонасидек ғамхўрлик кўрсатмайди. Биз ўз мутахассисларимизга касб маҳоратларини оширишлари учун қулай имконият ва шароитлар яратиб берамиз. Биз учун бизнесга сармоя ажратиш — ўз ишини биладиган одамларга маблағ ажратишдир.

ЎЗБАТ акционерлик жамияти қўшма корхонаси қуйидаги бўш ўринларга мутахассисларни

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

ОПЕРАТОР-МАШИНИСТЛАР
Ўрта техник ёки олий техник маълумотга ва ишлаб чиқаришда амалий иш тажрибасига эга бўлганлар.

МАШИНИСТ— БОШҚАРУВЧИЛАР
Ўрта техник ёки олий техник маълумотга эга бўлган ва ишлаб чиқаришда ёки ўқув юртида (ўқиш даврида) амалий иш тажрибасига эга бўлганлар.

ЭЛЕКТРИКЛАР
Ўрта махсус ёки олий маълумотли, бошқариш саноат-электрон ускуналарини ўзатиш ва назорат қилиш бўйича амалий иш тажрибасига эга бўлганлар

МЕХАНИКЛАР, ЧИЛАНГАРЛАР, ТЕХНИКА СОЗЛОВЧИЛАР
Ўрта техник ёки олий ўқув юртларининг ўрта техник ёки олий ўқув юртларининг битирувчилари ишлаб чиқаришда ёки ўқув юртида (ўқиш даврида) амалий иш тажрибасига эга бўлганлар.
Инглиз тилини билиш шарт эмас, аммо билганлар ўз касб маҳоратларини келажакда янада ошириш учун қўшимча имтиёзга эга бўладилар.

САНОАТ-ЭЛЕКТРОН УСКУНАЛАРИ БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР
Ўрта махсус ёки олий маълумотли, рақамли программали бошқариш саноат-электрон ускуналарни ўзатиш ва назорат қилиш бўйича амалий иш тажрибасига эга бўлганлар.

Бўш ўринларга даъвогарлар Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган, кўрсатилган мутахассисликлар бўйича камида уч йил ишлаган ва сменали режим (тартибда) ишлашга тайёр бўлишлари керак.

Тўлдириш учун анкеталарни Тошкент шаҳар, Носиров кўчасидаги 77-уйда жойлашган Тошкент тамаки фабрикасидан олиш мумкин.

Қатъий конкурс асосида дастлабки танловдан ўтган барча даъвогарлар анкетани тўлдириб топширганидан сўнг бир ой мобайнида суҳбатга чақирилади.

ЎЗБАТ акционерлик жамияти қўшма корхонасида ишласангиз сиз кўпроқ муваффақиятга эришиш имкониятига эга бўласиз!

ЎЗБАТ ҚЎШМА КОРХОНАСИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

Ўзбек-Британия қўшма корхонаси ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

BAT

ЎЗБАТ қўшма корхонаси акционерлик жамияти — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти учун энг катта инвесторлардан биридир.

Биронта бошқа саноат компанияси ЎЗБАТ қўшма корхонаси акционерлик жамияти даражасида ишчиларига ғамхўрлик кўрсатмайди.

Биз мутахассисларимиз касби ва маҳоратини оширишига катта имконият ва шароитлар яратиб берамиз. Биз учун бизнесга сармоя жалб этиш — бу сармояни ўз ишини яхши биладиган одамларга сарф этишдир.

ЎЗБАТ қўшма корхонаси акционерлик жамияти Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида йирик инвестиция компаниясидир.

ЎЗБАТ қўшма корхонаси акционерлик жамияти Марказий Осиёда тамаки ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг илғор даражага эришишни ўзига мақсад қилиб олган.

ЎЗБАТ қўшма корхонаси акционерлик жамияти бўш лавозимларни эгаллашга ва ёши 40 дан ошмаган ишчиларни Тошкент тамаки фабрикасига, Ургут ферментация заводига ҳамда яқинда қурилиши бошланадиган Самарқанд сигарет фабрикасига қабул қилиш бўйича танлов эълон қилади:

- **муҳандис-механик;**
- **муҳандис-электроник;**
- **техника хавфсизлиги муҳандиси;**
- **ишлаб чиқариш участкаси устаси;**
- **электрик-муҳандис;**
- **технолог-муҳандис;**
- **ишлаб чиқариш бўйича менежер**

Компьютерда ишлаш тажрибаси ва уч йилдан кўп меҳнат стажи эгалари ишга олинишда қўшимча имкониятларга эга бўлади.

Инглиз тилини билиш шарт эмас, аммо билса яхши бўларди. Компанияга садоқатлигингиз нафақат яхши ойлик, шунингдек, янги системалар асосида ўқиш, малака ошириш ва махсус курсларда инглиз тилини ўрганиш имкониятлари билан рағбатлантирилади.

Сўровномани тўлдириш учун уни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин:
— Тошкент шаҳар, Носиров кўчаси, 77. Тошкент тамаки фабрикаси.
— Самарқанд шаҳар, А. Рудакий кўчаси, 150. Самарқанд тамаки-ферментация заводи.
— Ургут шаҳар, Навоий шоҳкўчаси, 10. Ургут тамаки-ферментация заводи.

Танлов асосида биринчи босқичдан ўтганлар сўровномани топширгандан сўнг бир ой ичида суҳбатга таклиф қилинади.

ЎЗБАТ қўшма корхонаси билан биргаликда муваффақиятга эришишда сиз катта имкониятларга эга бўласиз.

Спорт

ФИНАЛЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

• Чирчиқда бошланган бокс бўйича биринчи республика спартакиадасида финалчилар аниқланди.

Кимёгарлар саройида жами 130 боксчи, 14 жамоа ғолиблик учун баҳслашмоқда. Саралаш учрашувларини муваффақиятли ўтказиб, совринли ўринларга даъвогарлик қилиш муросасиз баҳсга айланди. Мусобақада иқтидорли боксчилар қатори қобилиятли ёшларни ҳам қатнашаётгани қувончлидир. Чунончи, таниқли боксчи Наримон Отаев финалгача бўлган баҳсларда рақибларини бир ёки икки раундаёқ «тақдирини» ҳал қилишга эришди. 91 килограмм вазнли Рафаэль Акоповнинг нокаути ҳам кўпчиликнинг эсида қолди. У финалда мухлисларга таниш Руслан Чагаев билан учрашади. 71 килограмм вазнли Икром Бердиев рақиби Енатулла Утеповни нокаутли зарб билан енгди.

ОҒА-ИНИ ПОЛВОНЛАР

• Тошкентдаги динамочилар масканида ўсмирлар ўртасида самбо бўйича ўтказилган республика мусобақасида тўрт оға-инининг майдонга тушиши кўпчиликни ҳайратга солди.

Оға-ини Рустам, Равшан, Ислом ва Алим Одиловлар бир жамоада ғолиблик учун беллашдилар. 1980-82 йилларда туғилган ўсмирлар орасида Рустам билан Равшан ғалабага эришишди. Ислом билан Алим эса ўз гуруҳларида мухлис ва мутахассислар эътиборини қозондилар.

Соат 24.00

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ГИЛАМ ЎҒИРЛАШГАНДИ

Номаълум шахслар кечаси Андижон шаҳар Ҳайдаров кўчаси, 58-уйнинг эшигини синдириб кириб, 2 дона гиламни ўғирлаб кетишган эди. Қурилган чоралар натижасида тунги «меҳмонлар» аниқланиб, ушланди. Улар ишламайдиган, 1975 ва 1977 йилларда туғилган Н. Ш. ва муқаддам судланган М. И. булиб чиқди.

ГРАНАТАЛИ ЎҚИТУВЧИ

Андижон шаҳар Раҳимов кўчаси, 38-уйда яшовчи, ўрта мактаб ўқитувчиси П. С. уқ-дори сақлашда гумон қилинарди. Олиб борилган тезкор қидирув ишлар натижасида домланинг хонадонидаги шкафдан жанговар РГД—5 қўл гранатаси топилди. Ҳозир унинг иши терговда.

ТУТАШУВ ҚИММАТ ЭКАН

Асака туманининг «Шарқ ҳақиқати» жамоа хўжалигида яшовчи фуқаро Шуҳрат Парпиев электр симининг қисқа туташуви оқибатида 10000 сўмга тушди. Қандай дейсизм? Ўша қисқа туташув натижасида 200 кв. метр жой ёниб, кулга айланди. Айтмоқчи, сиз ҳам электр симларига ҳушёр бўлинг!

Адҳамжон ИСКАНДАРОВ,
Андижон вилояти ИИБ ШТБИХ инспектори, матбуот гуруҳи бошлиғи, милиция старшинаси.

ҚИЗИМ, СЕН ҲАМ ЭШИТ...

• Ип-жун ва ипакдан тўқилган оқиш газламалардаги йод доғларини гипосульфат эритмаси билан (1 стакан илиқ сувга 1 чойқошик) ишқаб, кейин ювиб кеткизиш мумкин. Бўялган газламаларда йод доғини ацетон билан хўллаб, пахта билан артиб кеткизилади.

• Ип, зиғир ва жундан тўқилган оқ газламалардаги пардоз воситаларига хос доғга новшадил спирти суриб, кейин ювиб кетказилади.

• Қон теккан буюмни аввал бир неча соат совуқ сувда ивитиб, (сувга бир оз микдорда новшадил спирти қўшиб) қўйилади. Оқ рангли газламалардаги қон доғини водород пероксид билан кеткизиш мумкин. Кейин буюмни бир озгина сиркали сувда чайқаш керак.

• Газламадаги дазмол доғини водород пероксид эритмаси билан (1 чойқошиғи 1/2 стакан сувда) артиб кеткизилади.

• Кийимдаги пиво ва оқ вино доғини совун сода билан ювиб, денатурланган спирт ёки арақ қўшилган (2 ошқошиғи 1 стакан сувда) эритмада тозаланади. Ювиш мумкин бўлмаган газламалардаги доғлар спирт ёки глицерин, арақ, новшадил спирт аралашмаси билан артилади.

• Занг доғи щовул кислота (1 чойқошиғи 1 стакан сувда) эритмаси билан кеткизилади. Агар доғ кетмаса, бу жараён яна такрорланади.

• Сиёҳ ва шарикли ручка пастаси доғини (ацетат толасидан тўқилган газламадан бошқа) лимон ёки татрат кислота билан йўқотиш мумкин.

ТУРОН
Осиё техника компанияси

1996 йил учун сервис шартномаларини тузишни давом эттирмоқда.

Биз сизларнинг эътиборингизга хизмат кўрсатишнинг кенг турларини ТАКЛИФ ЭТАМИЗ:

- *Нуска кўчириш техникаси ва кичик босмахоналарни бир маротаба таъмир этиш*
- *Konica, Rikon, Canon, Sharp, R/xerox ва бошқа моделдаги нуска кўчириш техникаси учун сарфпаш материаллари ва эҳтиёт қисмлари*
- *Мижозларнинг кўнгироклари бўйича дарҳол хизмат кўрсатиш*
- *Тажрибали мутахассисларнинг маслаҳатлари*
- *Сервис ташкилотлари ва доимий мижозлар учун зудлик билан пейджинг алоқаси*
- *Бизнинг мижозимиз бўлсангиз, компаниямизнинг малакали муҳандислари сизнинг нуска кўчириш техникангиз билан боғлиқ ҳар қандай муаммоларни ҳал этадилар.*

Шунингдек, Тошкентдаги омбордан қуйидагиларни сотамиз:
KONICA нуска кўчириш техникаси,
PISO кичик босмахоналари ва кесиш, муқовалаш асбоб-ускуналари.
FUKUDA, OLYMPUS медицина асбоб-ускуналари.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУТУН ҲУДУДИ БЎЙИЧА КАФОЛАТЛИ ВА КАФОЛАТДАН КЕЙИНГИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БИЗНИНГ ЗИММАМИЗДА.
БИЗ СИЗНИНГ МУАММОЛАРИНГИЗНИ БИЛАМИЗ.

Манзил: Тошкент, Абай кўчаси, 4-А, Губкин кўчаси, 1-А.
Телефон: (3712) 44-59-55, 40-31-82.
Факс: 44-55-12.

CUKURS - BIZNESS ЦУКУРС - БИЗНЕС ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

Шакар етказиб бериш бўйича шартномамизга ҳиссадор бўлсангиз,
СИЗ ҲАР ОЙДА 20 ФОИЗДАН 27 ФОИЗГАЧА ФОЙДА ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.
5000 сўмингиз бир ой ичидаёқ 6000 сўмга кўпаяди.

Ҳар бирингиз биз билан ҳамкорликда маблағ ишлаб топишингиз мумкин.

Бизнинг манзил:
Тошкент шаҳри, Ниёзбек йўли (аввалги Урицкий) кўчаси, 6-уй, 101-хона.
Телефонлар:(3712) 60-04-17, 34-05-07, 34-00-98.

Бунинг учун фақат кўнгирогингиз кифоя!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Ҳайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-12-56; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 03.

Навбатчи муҳаррир Қ. ЭШМАТОВ, навбатчи М. МИРФАЙЗИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.

1 2 3 4 5 6.